

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА РУҲИЙ ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИ ТАРЖИМАСИДАГИ МУАММОЛАР

Ширина Зиёвуддин қизи Ташпулатова

Ўзбекистон Миллий Университети мустақил тадқиқотчиси,

Инглиз тилишунослиги кафедраси катта ўқитувчиси,

Тошкент, Ўзбекистон

shirin_8886@mail.ru

Аннотация: Инглиз ва ўзбек тилларидаги руҳий ҳолат феълларини лексик семантик майдон сифатида қиёсий тадқиқ этиш ҳар икки тилда ушбу воситалар таржимасидаги муаммоларни аниқлашга асос бўлди. Ҳар икки тилда руҳий ҳолатни ифодаловчи воситалар бир хил маъно гуруҳларига ажралади. Лекин, воситалар нутқда воқеланганда улар бошқа тасниф гуруҳи маъносини ифодалай олиши мумкин. Бундай хусусият руҳий ҳолат феъли воқеланган лингвистик контекстга боғлиқ, яъни ЛСГ элементлари нутқда турли сўзлар билан маъно муносабатига киришиб аташ маъносини ўзгартириши мумкин. Руҳий ҳолат феълларининг ушбу табиатини луғавий-контекстуал полисемия деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари руҳий ҳолат феъллари таржимасида уларнинг ифода семасидаги кўп маънолилиқ ҳам муаммога сабаб бўлиши мумкин. Ўзбек тилида ҳам, инглиз тилида ҳам руҳий ҳолат феъллари ижобий ёки салбий семага, тарз маъносига эга бўлади. Феъллар, шунингдек, расмий, илмий, оғзаки ва бадий контекстда қўлланишига кўра, эскирган ва актуал турларга ажралади. Шундай экан, таржимон ушбу параметрларга тўлиқ мос келувчи муқобил воситани топишда қийинчиликка учрайди.

Калит сўзлар: руҳий ҳолат феъллари, лексик семантик майдон, лингвистика, полисемия, семантика, таржима

Abstract: A comparative study of mental state verbs in English and Uzbek languages as a lexical semantic field became the basis for identifying problems in the translation of these tools in both languages. In both languages, the means of expressing mental states are divided into the same meaning groups. However, when tools occur in speech, they can express the meaning of another classification group. Such a feature depends on the linguistic context in which the verb state of mind occurs, that is, LSG elements can change the meaning of the noun by entering into a semantic relationship with different words in the speech. We consider this nature of mental state verbs as lexical-contextual polysemy. In addition, in the translation of mental state verbs, ambiguity in their expression scheme can cause problems. Both in Uzbek and in English, mental state verbs have a positive or negative meaning. Verbs are also divided into past and present types according to their use in formal, scientific, verbal and artistic contexts. Therefore, the translator has a hard time finding an alternative tool that fully matches these parameters.

Key words: stative verbs, lexical semantic field, linguistics, polysemy, semantics, translation

Турли миллат ва элатлар сўзлашувчи тиллар қурилиши, луғат таркиби ва бошқа белгиларига кўра бир биридан фарқланганидек, уларнинг турмуш тарзи, фикрлаши, дунёқараши ва қадриятлари ҳам турлича бўлиши табиий. Бирок инсон ижтимоий мавжудот, у ўзининг бирор гуруҳга оид эканлигини, бошқалардан фарқланишини эътироф этса-да, атрофдагилар билан узвий мулоқотининг мавжудлик шартларидан энг асосийси эканлигини англайди. Шу сабабдан бошқа гуруҳлар, яъни миллат ва элатлар ҳаёти, маданияти, эътиқодий қарашлари билан танишиш инсон учун ҳар доим катта аҳамият касб этган. Таржима айти шу инсоннинг дунёга очилиш ва дунёни ўзи учун кашф этиш сайъ-ҳаракатлари натижасида шаклланган мураккаб илм, санъат тури. Публицистик, оғзаки ёки илмий таржималардан фарқли ўлароқ бадиий матн таржимаси мутахассисдан юксак маҳорат ва ижодий салоҳият талаб этади. Зотан,

“бадий матн таржимони аслиятни фотосурат каби бошқа тилда муҳрламайди, балки уни қайтадан ижод этади. Таржимондан фақат хорижий тилни билиш талаб этилмайди, унинг ижодий иқтидори ва салоҳияти ҳам муаллиф асарини таржимада қайта яратишга етарли бўлиши керак”.²² Бироқ, ҳар қанча эркин жараён бўлмасин, бадий таржима ҳам мутахассис олдига муайян вазифа, демакки, чекловлар қўяди. Хусусан, таржима матни аслият билан мазмунан мувофиқ бўлиши, унда ёзувчи услуби, фикри ва асар руҳияти ўз аксини тўлақонли топиши лозим. Ҳар бир миллий тил оламни ўзгача тасвирлашини, яъни оламнинг лисоний тасвири тиллараро фарқланиши сабаб бадий таржима жараёни янада мураккаблашади. Зотан, оламнинг миллий лисоний тасвири нафақат миллатнинг турмуш тарзи, ўтмиши ва маданий ўзига хосликларини балки миллий менталитет, руҳият ва темпераментни ҳам ифодалайди. Умуман олганда, оламнинг лисоний тасвири, миллатлар менталитети тил воситалари орқали намоён бўлиши ҳақида узоқ фикр юритиш мумкин, аммо билдирилган барча фикрлар умумий характерга эга, демак, моҳият мавҳумлигича қолаверади. Бундай тафовутларни аниқ далиллаш бадий таржима воситасида амалга оширилиши мумкин.

Инглиз тилидаги асарларни бевосита ўзбек тилига таржима қилиш, шунингдек, ўзбек адабиёти дурдоналарини инглиз тилига ўгириш мутахассислар олдигаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Таржима жараёнидаги муаммоларни назарий асослаш ҳамда ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш эса адабиётшунос ва тилшунослар зиммасига юкланади. Таржима асарларини мукамаллаштириш, уларнинг бадий ва услубий савиясини юксалтириш тил ҳодисаларини майдон сифатида қиёсий тадқиқ этишни тақозо этади. Зеро тил ҳодисаларини майдон сифатида ўрганиш, ҳар бир сатҳдаги воситаларни умумлаштириш имконини бериши билан бирга, маълум бир элементнинг турли сатҳлардаги характеристикасини аниқлашга

²²Чуковский К. Гумилев Н. Принципы художественного перевода всемирная литература – СПб: 1919 – С. 61

кўмаклашади. Турли тиллардаги айна майдон воситаларининг лингвистик ва семантик параметрларидаги параллелия ва ассиметрияларни англаш, ўз навбатида, ушбу воситалар таржимаси мукаммал бўлишига хизмат қилали.

Турли қурилишли тилларда лексик-семантик майдонлар апараллел бўлиши табиий ҳол, бироқ, руҳий ҳолат феъллари бундан мустасно. Феълнинг бошқа маъно турлари каби ушбу гуруҳ ҳам ўзбек, ҳам инглиз тилларида айна таснифга эга, демак, ушбу воситаларнинг ўзаро таржимасида муқобилларидан фойдаланиш мумкин. Бир қарашда бу гипотеза таржимада юзага келиши мумкин бўлган барча муаммолар эҳтимолини йўққа чиқаради. Шунга қарамай, руҳий ҳолат феъллари ўзаро таржимасида қатор муаммоли вазиятлар юзага келади. Ушбу муаммоларни асослаш учун, авваламбор, ҳар икки тилда яратилган бадиий асарлар ва улар орасидаги умумий фарқлар масаласига тўхталиш жоиз. Инглиз адабиёти ҳақида сўз юритишар экан, мутахассислар ушбу феноменни қуйидагича характерлайди: инглиз менталитетида ҳар қандай гўзаллик ўз вазифасига эга бўлиши керак, санъатнинг эстетик қиймати унинг амалий фойдаси билан аҳамиятли деган қараш шаклланган. Шундай экан, бадиий асар тарбиявий аҳамият касб этиши, унда ҳаёт ҳақиқатлари билан бирга дидактик фалсафа ҳам ўз аксини топиши лозим²³. Албатта, ҳар қандай ижодий тафаккур маҳсули каби бадиий асар ҳам индивидуал характерга эга. Бироқ услубий ва баён ўзига хосликларини бир четга суриб, инглиз адабиётида сюжетнинг тасвирдан устун бўлиши, ёзувчи китобхон эътиборини асосан воқеалар изчиллиги воситасида “ушлаб” туришини, бу ғарб адабиётига, хусусан, инглиз адабиётига хос умумий жиҳат эканлигини эътироф этиш лозим. Воқеа асосий планда бўлиб, тасвир иккинчи даражали масалага айланган ҳар қандай асарда экспрессивлик, эмотивлик суст бўлади. Демак, ёзувчи баён учун танлаган воситалар ҳам аксарият ҳолатларда ифода семасига кўра нейтрал бўлиши табиий.

²³Бу ҳақида қаранг: Алексеев М. Из истории английской литературы. Этюды, очерки, исследования – М.: Гослитиздат, 1960. – 499 с.

Шарқ адабиётининг табиати ўзгача. Шарқ адабиёти ғарбники каби аниқ сюжетга эга юнон мифологиясидан илҳом олмайди. Унда фалсафий маъно сюжет воситасида ифодаланади. Шарқ адабиёти, шу жумладан, ўзбек мумтоз адабиёти исломий фалсафа негизида шаклланди. Асарларда зоҳирий олам тасвири орқали ботиний ҳақиқатларга ишора этилади. Асарлар мобайнида шаклланган мумтоз адабиёти анъаналари замонавий бадиий асарларда ҳам ўз аксини топади. Замонавий ўзбек адабиёти турли ижтимоий масалаларга муурожаат этади, унда мумтоз адабиётдаги илоҳиёт мавзуси ёритилмаса-да, ушбу асарларда ҳам дидактик руҳ мавжуд. Вазият, киши, манзара тасвири орқиб илоҳий ички маънони ташимаса-да, ёзувчи кайфияти, унинг воқеа-ҳодиса, қаҳрамонлар характери ва хатти-ҳаракатига нисбатан муносабатини ифодалашга хизмат қилади²⁴. Демак, ўзбек замонавий адабиётида ҳам, мумтоз адабиётида ҳам сюжет билан бирга, уни ёритувчи воситалар ифодавийлиги ва экспрессивлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Асарларда сўз танлови нафақат аташ маъносига, балки контекстуал вазифасига кўра ҳам амалга оширилади. Маълумки, ўзбек тили лексик-семантик парадигма воситалари аташ маъноси ва ифода маъносидаги полисемияси билан ажралиб туради. Шундай экан, инглиз ва ўзбек тилида айна бир маънони ифодаловчи руҳий ҳолат феъллари семик таркибига кўра аппаратлел бўлиши, таржима жараёнида бундай ассиметрия воситанинг барча семалари тўлиқ қамраб олинишига тўсқинлик қилади. Масалан, ўзбек тилидаги қуйидаги руҳий ҳолат феъллари инглиз тилида ўз муқобилларига эга, шунга қарамай, ушбу воситалар семик таркиби бир-бирига номутаносиб бўлиши мумкин.

²⁴Бу ҳақида қаранг: Мирвалиев С. Ўзбек адиблари – Тошкент: Фан, 1993 – С.157

ЛУҒАВИЙ БИРЛИК	АТАШ СЕМАСИ	ИФОДА СЕМАСИ
ҲАДИКСИРАМОҚ	<i>ҳадик олмоқ; хавфсирамоқ, чўчиноқ, қўрқмоқ</i>	<i>иккиланмоқ, шубҳаланмоқ; узлуклилик, ноаниқлик, салбий бўёқдорлик, тафаккур ҳолати</i>
ҚАДРЛАМОҚ	<i>Обрў-эътиборига, қадр-қимматига яраша иззат-хурмат кўрсатмоқ, қадр қилмоқ; Аҳамиятига, қимматига яраша эътибор бермоқ, шунга яраша муносабатда бўлмоқ.</i>	<i>меҳр бермоқ, афзал кўрмоқ давомийлик, узлуклилик, ижобий бўёқдорлик, ҳиссий ҳолат</i>
МАҒРУРЛАНМОҚ	<i>мағрурлик, гурур ҳиссини туймоқ, гурурланмоқ; ўринсиз (асоссиз) ёки ортиқ даражада гурурга берилмоқ, кеккаймоқ, гердаймоқ</i>	<i>Фаҳр туйғусини ҳис қилмоқ, давомийлик тарз маъноси, ижобий ёки салбий ифода маъноси контекстан англашилади, ҳиссий ҳолат</i>
ҚАНОАТЛАНМОҚ	<i>озига, борига қаноат қилмоқ, бори билан кифояланмоқ, қониқмоқ; қаноат ҳосил қилмоқ, мамнун бўлмоқ, қониқмоқ</i>	<i>тугалланганлик, тўлиқлик тарз маъноси, ижобий ифода семаси, ҳиссий ҳолат</i>
ТОҚАТСИЗЛАНМОҚ	<i>тоқати тугаб, чидай олмай сабрсизланмоқ</i>	<i>Давомий кутиши натижаси, нотўлиқлик тарз маъноси, салбий ифода семаси, ҳиссий ҳолат</i>

Юқоридаги мисолларда ассиметриянинг торайиш нуқтаси инглиз тили томонида, яъни ўзбек тилидаги руҳий ҳолат феъллари инглиз тилидаги муқобилидан кўра семалар сонининг кўплиги билан фарқланади. Ушбу сўзларнинг ҳар бир аташ ёки ифода маъносининг инглиз тилида алоҳида феъл воситасида ифодаланиши ҳар хил контекстда фарқли таржима бирлигини танлашни тақазо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Чуковский К. Гумилев Н. Принципы художественного перевода всемирная литература – СПб: 1919 – С. 61
2. Алексеев М. Из истории английской литературы. Этюды, очерки, исследования – М.: Гослитиздат, 1960. – 499 с
3. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари – Тошкент: Фан, 1993 – С.157